

Араб тарихчиси Ёкут Хамавий: «Мовароуннахрнинг Марв шахрида бўлганимда у ердаги кутубхоналар, улуг донишмандларнинг асарларидан фойдаланишдаги завк-шавк билан бола-чака, ёру дўстларимни ҳам унутиб юбордим. Марвда илмий ахамиятга эга бўлган кимматли китоблар жуда кўп эди. Мен у ердан кетган вақтимда (1220 йилда) вакф килинган, яъни текинга хизмат киладиган ўнта кутубхона бор эди. Дунёда китобининг кўплиги ва яхшилиги жихатидан ундай жойни кўрмаганман. Масалан, Катта Жомеъ (дорилфунун мажмуи)га карашли иккита кутубхона бўлиб, бири Султон Санжар ходимларидан Азизиддин Абу Бакр Занжоний номига кўйилган. Унда ўн икки минг жилдга якин кўлэзма китоблар сакланади». (Машхур файласуф Ибн Кибтийга ёзган мактубидан).

Араб олими Мустафо Хусний: «Ибн Надиймнинг айтишича, Маъмун билан Рум подшохи ўртасида ўзаро алоқа бор эди. Маъмун уни айрим урушларда мағлуб этган бўлиб, ўрталарида тузилган сулҳга кўра Рум подшохи ўз хазинасидаги китобларни таржима қилишга Маъмун жўнатган одамларга рухсат бериши керак эди. Рум подшохи ҳам ушбу шартни бажонидил бажаради. Голиб хоким галаба учун миллатининг фарзандларига мамлакатига келтириладиган илмий китоблардан кўра кийматлироқ нарсани кўрмади. Тарих сўзлаган бундан ҳам буюк ходиса борми?». («Ислом хазораси» китоби, Тошкент, 2004 йил).

Бухоролик олим Шарифжон Махдум: «Бухородаги Мозори Шариф дарвозасининг ташкараси «Гулзор»да каландарона хаёт кечирувчи Фозил девона форсий китобларни кўчирадиган кучли хаттотлардан эди. 1803 йилда бир савдогар Хиндистондан Бухорога Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ўз кўли билан ёзилган девонини олиб келди. Бу хабар Бухоро амирига ҳам етиб, у китобни кўриш ва сотиб олиб мулкига айлантириш хавасига тушди. Лекин савдогар уни хар қандай киммат баҳога сотишга ҳам, жуз бандини бузиб нусха кўчиртиришга ҳам рози бўлмади. Бухорода бир ой туришни режалаган савдогарни қирк кун қолишга мажбурлашди. Чунки амир шу муддат ичида ундан бир нусха кўчиртириб олмокчи эди. Хамма ёкка жар солиб, «кайси котиб шу ишни қирк кун ичида уддаласа, минг тилло пул, яна инъом ва хадялар берилиши» овоза қилинди. Оз муддатда катта бир ишни бажариш қийинлигидан бирор хаттотнинг нафаси чикмади. Шунда тўсатдан пайдо бўлиб қолган Фозил девона бу шартга қўнди. «Гулзор»даги хужрасининг эшигини ёпиб, китобатга киришди. Қирк кун деганда амирнинг одамлари уни тантана билан арққа олиб келишди. У кўрсатилган муддатда икки нусха кўчирган бўлиб, бирини амирга тақдим қилди, иккинчисини ўзига қолдирди. Нусхаларнинг хар бири икки варақли қозғоққа кўчирилган, тахминан 500 га якин жуз (табоқ) бўлар эди. Амир хаттотга илтифотлар кўрсатиб, бир минг қизил олтин, бош-оёқ сарпо, турли хадялар берди. Фозил девона пулга сув лабида бир бино қурган эди». («Рисолаи хаттотон» асари кўлэзмаси, 264-бет).

Ўтмишдаги ватандошларимиз ва диндошларимиз китобга бугунги муносабатимизни кўрганда не ахволга тушишаркин?